*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**4 сентябрь**
ЧОРШАНБА
**№ 71** (12603)

www.th.uz

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

## ДАВР БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ

**Юқори Чирчиқ туманидаги "Дўстлик" стадионида Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган вилоят байрами тантаналари бўлиб ўтди**

Ёзнинг охирги кунлари. Шафақ. Майдондаги томошабинлар учун мўлжалланган ўриндиқларни вилоят шаҳар ва туманларида воҳамизнинг гуллаб-яшнаши йўлида меҳнат қилаётганлар банд этишган. Майдон марказида эса миллий қадрият ва анъаналаримизга монанд саҳна ясалган. Унинг қаршисига ўрнатилган минбарга вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов таклиф этилди. Ҳоким вилоятимиз аҳолисини юртимиз Истиқлолининг навқирон 22 ёши билан қутлади.

Саҳнанинг икки тарафидаги карнайлардан дастлаб чорлов куйи, кейин эса Ватанимиз мадҳияси янгради. Ҳамма ўрнидан турди... Томошабинларнинг айни шу ҳолатларини четдан кузатган киши уларнинг нигоҳларида шу заминда, шу даврда яшаётганларидан фахр ҳисси порлаётганига гувоҳ бўлиши тайин. Боиси, вилоятимиз барча соҳалардаги илдам одими, аҳолининг фаровон ҳаёти билан ажралиб туради. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "... Тошкент вилояти, бошқа минтақалар билан солиштирганда, ҳосилдор тупроғи, бой минерал – хом ашё манбалари, етарли сув захиралари билан алоҳида ажралиб туради. Ўзининг бетакрор иқлими, гўзал табиати ва хушманзара масканлари билан ҳар қандай кишининг ҳайратини ўзига тортади..."

*(Давоми 2-бетда).*

Истиқлол иншоотлари

## ФЕРМЕР ҚУРГАН БОҒЧА БУ



**Қибрайлик фермер Гулноза Юсупованинг ташаббуси ва ҳомийлигида Тузель қишлоғидаги "Гулзор" маҳалласи марказида янги боғча қурилиб, фойдаланишга топширилди. Энди бу ерда маҳалланинг 60 га яқин фарзандлари таълим-тарбия олишади.**

Фермер хўжалиги кўп тармоқли. 20 гектар интенсив боғ бор, 10 гектар майдонда сабзавот етиштирилади. 35 бош соғин сигир, 150 бош қўй боқилмоқда. Улар учун 30 гектарда озуқа етиштирилади.

– Анчадан буён хўжалигимиз даромадидан ҳудудимизда болалар боғчаси қуришни ният қилиб юрардик, бугун шу режамиз амалга ошди, – дейди фермер. – Янги бино хўжалигимиз аъзоларининг истиқлол байрамига муносиб совғаси бўлди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**



Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

**Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига жорий йил курсантликка қабул қилинган ўғлонларнинг ҳарбий қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.**

## КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁДИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник Н. Муллабоев, ота-оналар номидан С. Ҳамроева ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Бу жараёнда, хусусан, профессионал миллий армиямиз учун юқори малакали офицер кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида юртимиздаги ҳарбий таълим муассасалари фаолияти такомиллашиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 19 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши бунда муҳим омил бўлаётир.

Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида бугунги кунда замон талабларига мос таълим стандартлари асосида юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда. Муассасада ёшларнинг илғор ахборот технологиялари, сўнгги русумдаги ҳарбий техникадан фойдаланган ҳолда билим олиши учун барча имкониятлар яратилган. Шу боис ушбу даргоҳда ўқиш истагида бўлганлар йил сайин кўпаймоқда. Жорий йилда ўқишга кириш бахтига муяссар бўлганлар орасида самарқандлик Абдулла Мусурмонов ҳам бор.

**ЎзА.**

## ХАРИДНИ СУПЕРМАРКЕТДА ҚИЛИШАЯПТИ



**Замонавий қиёфадаги савдо марказининг ишга туширилиши Чирчиқ шаҳар "11-ишонч" маҳалла аҳолиси учун байрам туҳфаси бўлди. "Шуҳрат Ҳуснида Сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳуснида Эргашева савдо марказидаги барча ишларга бош-қош.**

Тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл берилгани, мазкур савдо маркази ҳам ислоҳотларнинг амалдаги самараси эканлигини таъкидлашди. Бу ерда 25 иш ўрни очилиб, яқин атрофда яшовчилар ишга қабул қилиняпти.

*(Давоми 2-бетда).*

**Малайзиядаги Петронас технология университетида "Ўзбекистон: Мустақилликнинг 22 йили" мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Куала-Лумпурдаги дипломатия миссияси кўмагида ташкил этилган мазкур тадбирда Малайзиянинг ишбилармон доиралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, мазкур олий ўқув юртининг ўқитувчи-профессорлари ва талабалар иштирок этди.**

## ЎЗБЕКИСТОН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ МАЛАЙЗИЯДА

Давра суҳбати чоғида Ўзбекистонда мустақил ривожланиш йиллари мобайнида қўлга киритилган муваффақиятлар, тараққиётнинг ўзбек моделига хос бўлган тамойиллари, сўнгги йиллар давомида юртимиз иқтисодиётида эришилган макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда Ўзбекистон-Малайзия ҳамкоригининг истиқболлари хусусидаги атрофлича маълумотлар тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Давра суҳбати иштирокчилари республикамизда ҳаётга татбиқ этилаётган "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар, Президент Ислом Каримовнинг 2013 йилнинг 16-17 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган "Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуига бағишланган халқаро конференциясидаги нутқи билан ҳам яқиндан танишдилар.

Петронас технология университетида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар ўлкамизнинг тарихи, меъморчилиги, санъати ва замонавий салоҳиятига бағишланган тақдимотлар ўтказиш билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини билдиришар экан, улар ана шундай мавзуларга бағишланган тадбирларнинг мунтазам ташкил этилиши ўзаро бирдамликка, икки мамлакат халқларини янада яқинлаштириш ишига хизмат қилишини таъкидлашди.

Мустақил тараққиёт йиллари мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларга юқори баҳо берар экан, Петронас технология университети ректори Датук Абдул Раҳим Ҳожи Ҳошим Марказий Осиё ҳамда Жанубий-Шарқий Осиё минтақаларида муҳим ўрин тутадиган Ўзбекистон ва Малайзия бугунги кунда кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли, мустаҳкам шериклик алоқаларини ривожлантириб келаётганини қайд этди.

Профессор Аҳмад Фозил М. Хони: "Миллий тараққиёт модели Ўзбекистонга ўтиш даврида жиддий ижтимоий силкинишлардан сақланиб қолишга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам қатъий туришга ҳамда аҳоли фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлашга ёрдам берди", деди.

Петронас технология университети ректори ўринбосари Муҳаммад Нур Росли бин Баҳаром турли дин, миллат ва маданият вакиллари ўртасида динлараро бағрикенгликнинг сақланишига нисбатан интилиш Ўзбекистон ва Малайзияни ўзаро боғлаб турадиган жиҳатлардан бири эканлигини эътироф этди.

– Бугунги кунга қадар мамлакатингиз эришган кенг қамровли муваффақиятлар замонавий бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишга асосланган ўзбек моделининг самарадор эканлигидан далолат беради, – деди у.

Малайзия Халқаро хотин-қизлар уюшмаси президенти Норазиза Бурҳон ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларга, уларнинг натижалари юқори баҳо берди.

**"Жаҳон" АА.**
**Куала-Лумпур.**

Биринчи қўнғироқ

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

**Ўқув йили бошланишидан дарак берувчи биринчи қўнғироқ чалинди. "Билимлар куни" муносабати билан вилоятимиздаги 882 та умумтаълим мактабида Мустақиллик дарслари ўтилди. "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиорига йўғрилган илк дарслар ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида самимий мулоқот тарзида ўтди.**






Устоз ва мураббийларнинг Она юртга муҳаббат туйғуси, Мустақиллик, Истиқлол неъматлари тўғрисидаги маърузаларига ўқувчилар тўлиб-тошиб, ўз фикрларини билдиришди.

Мактаб даргоҳига илк қадам қўйган 44 минг 446 нафар биринчи синф ўқувчиларига Президент совғаси сифатида 12 номдаги ўқув қуроллари ва ўқувчи сумкалари топширилди.

– Ҳозир вилоятимизда мактаблардан ташқари, 424 та мактабгача таълим муассасаси, 19 та "Баркамол авлод" болалар маркази, 34 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 32 та мусиқа ва санъат мактаби, 2 та Меҳрибонлик уйи ҳамда Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолият кўрсатмоқда, – деди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Убайдулла Парпиев. – Жами 371 минг 226 нафар ўқувчи эмин-эркин таълим олиши учун барча шароитлар тахт қилинди.

* * *

Бу йил Паркент туманидаги 7-умумтаълим мактаби жамоаси янги ўқув йилига катта тайёргарлик кўрди. 760 миллион сўм сарфланиб, замонавий ўқув биноси қурилди.

– Мактабимиз 240 ўринли, – деди директор Мавлуда Бердиқулова. – Бу йил 1-синфга 51 ўқувчи қабул қилдик. Биринчи синфдан инглиз тилини ўқитишни бошлаганимиз катта янгилик бўлди. Ота-оналар бундан жуда хурсанд. Шунингдек, мактабимизда немис тили ҳам ўқитилади.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КОРХОНАСИ

**"Ўзбекистон" нашриёт матбаа-ижодий уйида Истиқлолнинг 22 йиллиги муносабати билан "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида байрам тадбири ўтказилди.**

Кейинги йилларда "Ўзбекистон" нашриёт матбаа-ижодий уйи ходимлари улкан ютуқларни қўлга киритди. Дунё стандартлари даражасидаги турли альбом ва китоблар чоп этилди.

– Истиқлол йилларида ишчи-хизматчиларимиз эришган ютуқлар инобатга олиниб, "Шуҳрат" медали билан тақдирланганимдан беҳад шодман, – деди Барно Худоёрова. – Ушбу мукофот бутун жамоамизни руҳлантириб, янада самарали ишлашга ундамоқда.



Эндиликда корхона 120 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўзбек ва қардош тиллардаги китобларни ҳавас қилса арзийдиган чиройли кўринишда чоп этяпти. Бу нашриётда иш жараёнлари тўғри ташкил этилгани самарасидир.

Байрам арафасида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа-ижодий уйи "Йилнинг энг яхши корхонаси" деган 1-даражали диплом билан тақдирланди.

**Наргиз МАМАТҚУЛОВА.**

# ДАВР БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ

…Саҳнага болажонлар чиқишди. Уларнинг беғубор кулгилари майдонни эгаллади. Шўх қўшиқлари, шодон рақслари барчанинг қалбига кўтаринкилик олиб кирди. Йирик экранда Сарбонимиз ортидан бораётган 30 миллион кишилик карвоннинг 22 йил мобайнида босиб ўтган йўли, эришган ютуқлари, забт этган марраларидан лавҳалар намойиш этилди…

Ғаллачилик – қишлоқ хўжалигининг давлат аҳамиятига молик устувор тармоқларидан бирига айланди. Вилоятимизда ўтган йиллар мобайнида ғалла майдонларини кенгайтирмай, ҳосилдирликни ошириш ҳисобига дон хирмони барқарор юксалди. Хусусан, 2008 йилда суғориладиган майдонларда 456,9 минг тонна дон етиштирилган бўлса, бу йил 700 минг тоннадан ошди.

…Кичкинтойлар қардош халқларнинг либосларида миллий куй-қўшиқларни ижро этишаётганида юқоридагилар кўз олдимиздан ўтди. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан қатор соҳалар ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги фармонларига мувофиқ бир гуруҳ ватандошларимиз қатори 30 га яқин вилоятдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар.



…Саҳнада ва майдонда аскарлар жанговар ҳарбий тайёргарликларини, ёш спортчилар эса турли йўналишларда эгаллаган маҳоратларини намойиш этишди. Томошабинлар юртимиз сарҳадлари ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўлишди. Шунингдек, маълум диёрда туғилиб ўсган, маънавияти ўша юртнинг том маънода миллийлиги билан озиқланган ҳар қандай киши юрти мадҳ этилган қўшиқдан таъсирланиши, қалбида ватанпарварлик ҳисси янада жўш уриши тайин. Бунга тантаналарда юртпарварлик кайфиятида айтилган қўшиқларни тинглаб, саҳна кўринишларини кузатиб, инондик…



Вилоятимиз тарихида 2013 йил алоҳида қайдлар билан мангуга қолади. Бунинг бизга маълум бўлган икки катта сабаби бор. Юртбошимизнинг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида" ҳамда "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди. Тасдиқланган дастурга мувофиқ, вилоят саноатида 2,2 миллиард доллар миқдорида инвестициялар, шу жумладан, 602 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий сармоялар жалб этиш ҳисобига 302 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Шу ҳисобдан, 11 мингдан ошиқ янги иш ўринлари яратилади. Бир сўз билан айтганда, 2015 йилга қадар вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 триллион 825 миллиард сўмга, ўсиш суръати 124,3 фоизга етади. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг иккинчи қарорига биноан вилоят шаҳарлари ва қишлоқ аҳоли пунктлари меъморий қиёфаси тубдан янгиланади. Вилоятимизнинг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмалари янада ривожланади. Янги иш ўринлари ҳисобига аҳоли турмуши янада фаровонлашади.

...Кеч соат тўққиз. Томошабинлар бу вақтга қадар, Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигини эл ардоғидаги санъаткорларнинг гўзал куй ва қўшиқларини тинглаб, рақс тушиб, шоду хуррамликда, ўйин-кулги билан мириқиб нишонлашди. Кейин, мушакбозлик бошланди. Нигоҳлар осмонга қадалди...

Дарвоқе, бу каби байрам тантаналари, сайиллар вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида давом этмоқда. Боиси, Ўзбекистондек тинч, фаровон юртга мана шундай байрамлар жуда ярашади!

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**Даврон АҲМЕДОВ**
**(суратлар),**
**"Тошкент ҳақиқати"**
**мухбирлари.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Бекобод туманидаги энг чекка қишлоқлардан бири Ачамайли деб юритилади. Лекин, ачамайлиликлар бу ўзига хос тарихий атамага кўникиб кетишган. Ахир она Ватаннинг ҳар қарич ери муқаддас. Уни севиб ардоқловчилар асло кам бўлмайди. Маҳалла маслаҳатчиси, хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Иқболхон Эрбўтаеванинг айтишича, маҳаллада 428 та хонадон, 964 та оила бор. Улардан ҳар бирининг ўз дунёқараши, пасту баланди бор.**

# ҲАР ҚАРИЧИ МУҚАДДАС ВАТАН

– Қишлоғимиз аҳолисини оқиб ўтган жойида боғу бўстон пайдо бўладиган кенг дарёга ўхшатаман, – дейди у. – Бир ҳовлида 2-3 келини билан аҳил-иноқ яшайдиган қайноналар ҳам, хонадонини саранжом-сариштa, гулу гулзорга айлантириб ўтирган дид-фаросатли келинпошшалар, ораста қизларимиз ҳам кўп. Шунинг учун кўчаларимиз тоза, озода, хонадонлар обод, Ёшларимиз спортни севишади. Футбол, волейбол, шахмат-шашка ихлосмандлари учун спорт клубларимиз доимий хизматда. Нафақат ёшлар, биз, катталар ҳам спорт билан шуғулланишни ёқтирамиз. Яқинда бўлиб ўтган аёллар спартакиадасида ҳам фаол қатнашдик…

Иқболхоннинг сўзларида муболаға йўқ. Эллик ёшдан ошган бўлсада, стол теннисини ёқтириб шуғулланади. Асл касби тил-адабиёт ўқитувчиси. Умр йўлдоши кимё ва биологиядан дарс беради. Бекободнинг тарихи, табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, дилтортар шеър ва қўшиқлар оила аъзоларининг севимли мавзуси. Ўзи ишлайдиган 48-умумтаълим мактабида ўқувчилар, ота-оналар ва оила аъзолари ёрдамида ташкил этган музей шу неъматлар: истиқлол шарофатидан, миллий қадриятларимиздан сўзлайди. Бу ерда турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштириб турилади. Маҳалланинг ғайрат-шижоатли, серҳафсала аёллари, онахонлардан иборат "Чеча" гуруҳи деярли барча тадбирларда, ҳатто тўйларда ҳам хизмат қилиб, аҳолининг меҳрини қозонган.

– Маҳалламизда ишсиз аёллар деярли йўқ, – дейди у. – Аксарияти ҳунарли, гилам, палос, кийим-кечак тўқиш, тикишдан яхши хабардор. Томорқаси, мол-ҳоли бор аёлни ҳам ишсиз деб бўлмайди. Ахир, ҳозир тадбиркорлик қиламан деганнинг "мушугини ҳеч ким пишт демаса". Бир қарич ерда ҳам ризқ ундирадиган бободеҳқон авлодимиз ахир!

Ачамайлининг меҳнаткаш, тадбиркор одамлари бекор ўтиришни ёқтиришмайди. Мустақиллик туфайли эришган барча имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишади. Фаровон ҳаёт, обод турмуш учун мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларида улар ҳам фаол иштирок этишяпти, десак муболаға бўлмас.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати"**
**мухбири.**

Мукофот муборак!



# ЯНГИ АСР ЮЗИНИ КЎРДИ

**– Дориламон кунларга етказганига шукр, – дейишади кексаларимиз. Вилоятимизнинг Қибрай тумани, Салар шаҳарчасида қўллари дуода, тиллари шукроналикда бўлган 101 ёшли табаррук отахон Зайниддин бобо Мавлонов яшайди.**

Истиқлолимизнинг 22 йиллик шодиёналари кунларида Зайниддин отани қутлаш учун вилоятимиз ҳокими Аҳмаджон Усмонов ташриф буюрди. Унинг кўксига Ватанимизнинг юксак мукофотларидан "Шуҳрат" медалини тақиб қўйганида отахоннинг кўзлари севинч ёшларидан намланди.

– Яратганга шукр, шундай кунларга етиб келдим, – дейди у. – Бизга юксак ҳурмат, эътибор кўрсатаётган Юртбошимиз омон бўлсин, юртимиз тинч бўлсин.

**Акбар ИДИЕВ.**

# АНГРЕНДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

**Шаҳарга кириши билан кишининг дили яйрайди. Кўча бўйлаб ҳилпираб турган байроқлар, мустақиллик шиорлари ангренликларнинг байрамона кайфиятда эканлигидан далолат берса, йўлнинг озодалигию яшнаб турган гуллари кўзни қувонтиради, кўнгилда ажиб ҳислар уйғотади. Шаҳардаги ташкилот ва корхона, маҳалла гузарлари ва кўп қаватли уйлар атрофи обод, асосий байрамлар нишонланадиган "Истиқлол" майдони янада кўркам.**

– Яшаётган жойимизнинг тоза ва озодалиги аввало ўзимиз учун, – дейди ҳашарларда қатнашган Фазлиддин Шокиров. – Тозалик бор жой файзли бўлади, файз бор ерда доим тинчлик барқарор. Бундай юртнинг одамлари эса бахтли бўлишади.

Аҳоли гавжум жойларда савдо мажмуалари ишлаб турибди. Расталар гўшт маҳсулотлари, балиқ, асал, тухум, мева-сабзавот ва полиз экинлари билан тўла.

Шаҳарнинг "Гулбоғ" маҳалласида Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига атаб "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда фахрийлар, шоир ва санъаткорлар ҳамда маҳалла фаоллари халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамай, иродаси, қатъияти ва матонатини намоён этиб, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаганини таъкидлашди. Ноз-неъматларга тўла дастурхонга ош тортилиб, шукроналик дуолари ўқилди.

Тадбир сўнгида ҳомийлар эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам ва эсдалик совғалари улашди. "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг шаҳар бўлими энг улуғ, энг азиз байрам муносабати билан имконияти чекланган, боқувчисини йўқотган ва ёлғиз кексаларга беш миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Жумладан, Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларига 3 миллион сўмлик моддий ёрдам ва эсдалик совғалари топширилди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.**

Истиқлол иншоотлари

# ХАРИДНИ СУПЕРМАРКЕТДА ҚИЛИШАЯПТИ

Марказда озиқ-овқат, кийим-кечак, канцелярия, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дўконлари бор. Уларнинг нархи ҳаммабоп, хоҳлаганлар нақд пул ёки пластик карточка орқали харид қилишлари мумкин.

– Илгари савдо марказининг ўрни ахлат тўкиладиган ташландиқ жой эди, – дейди тадбиркор Ҳуснида Эргашева. – Мана энди ҳам маҳалланинг чиройи очилди, ҳам аҳолининг узоғи яқин бўлди.

– Нафақамни маълум қисмини пластик карточкада оламан, – дейди Эргаш ота Аъзамов. – Ундан фойдаланиш учун шаҳар марказига бориб келишга мажбур бўлардим. Маҳалламизда шундай кўркам савдо маркази очгани учун тадбиркор қизимизга минг раҳмат! Энди карточкага бемалол маҳсулот харид қилишимиз мумкин.

Шунингдек, шаҳар ҳокимлиги рўпарасида тадбиркор Муроджон Нортоев ҳомийлиги ва ташаббуси билан спорт мажмуаси ишга тушди. 1,5 ойда қуриб битказилган замонавий мажмуада иккита мини-футбол майдони, спорт ва фитнес заллари, фитобар, уқалаш, ювиниш ва тиббиёт хоналари бор.

"Чирчиқ мега бизнес" фирмаси раҳбари Аҳрор Асомов ҳам хайрли ишга қўл урди. Унинг саъй-ҳаракати билан янги бозор фойдаланишга топширилди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**
**Даврон АҲМАД ва**
**Еркебой БОТИРОВ**
**олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).








**Вилоят йўл-ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан хабар қилишларича, 2-12 сентярбь кунлари "Диққат, болалар!" ўн кунлиги ўтказилмоқда.**

# БОЛАЖОНЛАР, ЙЎЛДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Тадбир доирасида вилоятимиздаги 882 та мактаб ўқувчилари билан суҳбатлар ташкил этиш кўзда тутилган.

– Ёзги таътилда мириқиб дам олган болажонлар йўл-ҳаракати қоидаларини унутиб қўйишлари табиий, – деди бошқарма катта инспектори Исроилхўжа Сайдикаримов. – Айнан ўқув йили бошида ўн кунликни ўтказишимиз бежизга эмас. Уларга йўлда керак бўладиган қоидаларни эслатиб қўйишни мақсад қилдик. Бунда маҳалла фаоллари бажонидил кўмак беришяпти.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

Саховат

# ИНСОН ҚАДРИ БИЛАН АЗИЗ

**Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Обод турмуш йили ҳамда Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб, истиқлол туфайли эришилган ютуқлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш мақсадида корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда "Тинч ва осойишта ҳаёт қадри", "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон", "Ватан азиз, Ватан муқаддас", "22 йилда биз нималарга эришдик?", "Мустақиллик берган имконият ва неъматлар" каби мавзуларда адабиёт ва санъат намоёндалари, олимлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказди.**

Ушбу тадбирлар жараёнида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали ва боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қариялар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. Жумладан, шундай тадбирлар давомида вилоятимиздан ўн нафар аёлга кир ювиш машиналари совға қилинди.

– Уй бекасиман, уч фарзандим бор, – дейди Бўка туманидаги Ғаффор Азаматов қишлоғида истиқомат қилувчи Гулнора Ҳожибекова. – Истиқлолимизга кўз тегмасин, биз қишлоқ аёлларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлардан ғоят миннатдормиз.

**Наргиза ҲАСАНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Бандлик дастури – амалда

# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

**Вилоятимизда корхоналарни истиқболли лойиҳалар асосида модернизация қилиш, замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлаш, маҳаллий хомашёдан сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Мавжуд ишлаб чиқариш объектлари фаолиятини кенгайтириш, янгиларини ташкил этиш ишларида маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор берилаётгани туфайли корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури, ҳажми, сифати ҳамда рақобатбардошлиги ошмоқда. Кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Буни Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ангор текстиль" масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жорий йилнинг апрель ойида "Mighty tiger" Ўзбекистон-Шотландия қўшма корхонаси қошида ташкил этилган мазкур корхонада айни кунда элликдан ортиқ моделда болалар, аёллар ва эркаклар мавсумий кийимлари ишлаб чиқарилмоқда.

– Корхонамиз иш сифати ва самарадорлигини ошириш, юқори сифатли, рақобатбардош ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган энг замонавий тикув машиналари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган, – дейди корхона раҳбари Рустам Раҳматов. – Маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда.

"Ангор текстиль"да бугунги кунда 250 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти Ўрта Чирчиқдаги касб-ҳунар коллежларини жорий йил битирган ёшлардир.

– Уйимизга яқин мазкур корхонага ишга кирганимдан хурсандман, – дейди Ўрта Чирчиқ саноат ва сервис касб-ҳунар коллежини тамомлаган Моҳира Пардаева. – Бу ерда ҳозир тажрибали ишчилардан махсус машина ёрдамида матога нақш тушириш сир-асрорларини ўрганмоқдаман. Бунда коллежда олган билимим қўл келаётир. Корхонамизда самарали меҳнат қилиш, кўнгилдагидек дам олиш учун барча зарур шароитлар яратилган.

Йил охиригача яна бир қанча тикув машинаси харид қилинади. Кейинги йилдан матони бўяш цехини ишга тушириш режалаштирилган. Бу ишларнинг амалга оширилиши корхона маҳсулотининг тури ва ҳажмини ошириш, маблағини тежаш баробарида яна бир юз эллик нафардан зиёд йигит-қизни доимий иш билан таъминлаш имконини беради.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# СИЗНИ НИМА БЕЗОВТА ҚИЛЯПТИ

## деб сўрашмоқда вилоятимизнинг тажрибали ва малакали шифокорлари тиббий кўрикка келганлардан

Пискент, Ўрта Чирчиқ, Бўка, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ ва Оҳангарон туманларининг чекка қишлоқларида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида тиббий кўриклар ташкил этилди. Беш кун давомида қишлоқ аҳли соғлиғини бепул текшириб олиш имконига эга бўлди. Педиатр, кардиолог, эндокринолог, офтальмолог, травматолог каби мутахассислардан керакли маслаҳат ва йўл-йўриқлар олишди.

**Фарида КОМИЛОВА,**
**саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали мутахассиси.**

# БАРЧА БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ – "ЎзАСБО" ТИЗИМИДА

**2014 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барча бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ягона "ЎзАСБО" тизимида юритади.**

**Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги, вазирлик ҳузуридаги Ахборот-ҳисоблаш маркази ҳамда Молия органлари ва бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази ҳамкорлигида ташкил этилган семинар-тренингда сўз юритилди. Тадбир бюджет ташкилотлари мутахассисларини "ЎзАСБО" дастурий комплекси билан таништириш мақсадида ташкил этилди.**

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да жамият ва давлат қурилишининг барча соҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш зарурлиги қайд этилган. Бюджет ташкилотлари фаолиятига "ЎзАСБО" дастурий комплексининг жорий этилиши бу борадаги ишларнинг узвий қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги молия органлари ва бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази директори вазифасини бажарувчиси Ботир Нурматовнинг айтишича, бугунги кунда бюджет жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш, Молия вазирлигининг ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотлари ёрдамида ҳисоб ва ҳисобот масалаларини ўз ичига оладиган бюджет даврини ахборотлаштириш борасида қизғин иш олиб борилмоқда. Шу муносабат билан "ЎзАСБО" дастурий комплекси билан биргаликда жорий этиладиган "Бюджет ташкилотларини паспортлаштириш" дастурий комплекси лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Шуни эътиборга олган ҳолда, семинар-тренингда ҳудудий молия идоралари ва бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимлари "ЎзАСБО" дастурий комплексининг иши билан таништирилди ва улар орасидан кейинчалик жойлардаги бюджет ташкилотлари мутахассисларини "ЎзАСБО"да ишлаш кўникмаларига ўргатадиган ҳудудий мураббийлар тайёрлаш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур тизимнинг жорий этилиши натижасида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишни автоматлаштириш, яъни, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари базасини яратиш ва юритиш молия идоралари учун электрон шаклда сарф-харажатлар сметасини тузиш ҳамда ҳисобот маълумотларини тайёрлаш имконини беради. Шунингдек, дастур бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоботини юритиш йўриқномаси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига тўлиқ мос бўлишини таъминлайди.

"ЎзАСБО" дастурий комплекси бошқа дастурлардан бюджет ташкилотлари маълумотларини Молия вазирлиги маълумотлар марказида тўплаши ва юқори даражада ишончли сақлаши билан ажралиб туради. Бундан ташқари, дастур ҳимояланган каналлар орқали "Ғазначилик" ва бошқа мавжуд дастурий комплексларга интеграциялашиш учун кенг имконият яратади, бюджет ташкилотлари ходимларига Молия вазирлигининг mdm.uz манзилида жойлашган ахборот майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Таъкидлаш жоизки, барча бюджет ташкилотлари "ЎзАСБО"га бепул уланади. Бу "ЎзАСБО" ва "Ғазначилик" дастурий комплексларининг бир-бири билан боғлиқ ҳолда ишлаши натижасида электрон-рақамли имзодан фойдаланиш орқали электрон тўлов талабномаларини тайёрлаш эвазига бюджет маблағларини тежашга ёрдам беради.

Ўқув жараёнида иштирокчилар дастурий комплекс бир пайтнинг ўзида 30 минггача фойдаланувчи узлуксиз ишлашини таъминлашга қодир эканини таъкидлади. Бунда бевосита дастурий комплекс билан ишлайдиган ходимлар учун ахборот технологияларига доир бошланғич билимга эга бўлиш етарлидир.



Мухтасар айтганда, семинар-тренинг бўлажак мураббийларга бюджет ташкилотлари учун мўлжалланган "ЎзАСБО" дастурий комплексини ўзлаштириш йўлида зарур назарий билим ва амалий кўникмага эга бўлиш ҳамда бошқа долзарб масалалар бўйича батафсил ахборот олиш имконини беради.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЭЪЛОНЛАР


### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚУЙИДАГИ НОТАРИУС ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар**
**Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар**
**Ўрта Чирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар**
**Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар**
**Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар**
**Паркент туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар**

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2013 йил 27 сентябрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183,184,185.**

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2013 йил 30 августдаги 52-сонли Баённомасининг қарори билан қуйидаги:**

**Тошкент вилоятидаги "OQ-TULPOR" МЧЖга тегишли:**

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2011 йил 4 март куни берилган "АТ" серияли 000375-рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 31 августдан бошлаб тикланганлиги тўғрисида маълумот беради.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан, "Яссавий Агросервис" МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ манзилида жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м, қурилиш майдони 1942,73 кв.м бўлган гараж биноси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 94 962 227 сўм.

Савдо 2013 йил 25 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 23 сентябрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги: 20208000904920609114, МФО 01036, СТИР 207122519 га тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

**Иностранное предприятия**

**«BAYTEKS TICARET»**

**в форме общество с ограниченной ответственностью (ИП ООО "BAYTEKS TICARET"), расположенное по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Широк, 104 "А", (ИНН 205256431), зарегистрированное Министерством Юстиции РУз 27 октября 2004 года за № 364, объявляет о своей добровольной ликвидации на основании решения внеочередного общего собрания учредителей, принятого 29 августа 2013 года (Протокол № 98).**

**Срок приема заявлений с требованиями кредиторов – до 30 ноября 2013 года.**

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. Зангиота тумани СИБ томонидан № 10145-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и.ч. "Тиркама" д.р. 4802 AY. Бошланғич баҳоси – 27 844 759 сўм. 2. Зангиота тумани СИБ томонидан № 10145-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и.ч. "Тиркама" д.р. 4804 AY. Бошланғич баҳоси – 27 844 759 сўм. "Арқ Булоқ" ТИФ божхона постида сақланмоқда. 3. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 28.13.2011 й. № 11-1130/25283-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и.ч. "Кейс 2366" д.р. 14-64 ER. Бошланғич баҳоси – 50 536 705 сўм. 4. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 28.13.2011 й. № 11-1130/25283-сонли ижро ҳужжатига асосан 1996 й. и.ч. "Магнум 7240" д.р. 18-11 ЕД. Бошланғич баҳоси – 34 906 865 сўм. Юқори Чирчиқ туман МТП, Янгибозор қўрғони, Баҳор кўчасида сақланмоқда. 5. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 17.06.2010 й. № 9297-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "Газ-24" д.р. 11 T 8467. Бошланғич баҳоси – 619 885 сўм. 6. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 10.02.2013 й. № 433-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и.ч. "Урал" д.р. 6981 ТША. Бошланғич баҳоси – 793 765 сўм. 7. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 01.04.2013 й. ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч. "Москвич 412" д.р. 11 V 6328. Бошланғич баҳоси – 486 159,32 сўм. 8. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 31.05.2010 й. № 8252-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч. "Москвич 412" д.р. 11 S 845 ВА. Бошланғич баҳоси – 1 395 157,53 сўм. 9. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 4160-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и.ч. "Москвич-412" д.р. 11 T 5619. Бошланғич баҳоси – 593 088,30 сўм. "Зеромиллер" МЧЖ омборида сақланмоқда. 10. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 929-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и.ч. "Ваз 2106" д.р. 10 R 354 ВА. Бошланғич баҳоси – 3 716 393,4 сўм. 11. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 4601-сонли ижро ҳужжатига асосан "Шевралет Корсика" д.р. 01 U 049 DA. Бошланғич баҳоси – 3 880 410,4 сўм. Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланмоқда. 12. Яккасарой тумани СИБ томонидан 27.09.2012 й. № 10-1208/20954-Б-сонли ижро ҳужжатига асосан 2011 й. и.ч. "Ласетти" д.р. 01 704 OBA. Бошланғич баҳоси – 28 129 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 19 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 13. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 19.08.2013 й. № 8988-сонли ижро ҳужжатига асосан 1998 й. и.ч. "Газ 3110" д.р. 10 W 031 FA. Бошланғич баҳоси – 7 327 588 сўм. 14. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 31.07.2013 й. № 8496-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 E 267 EA. Бошланғич баҳоси – 17 500 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 4 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси ва мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси ва мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 июлда № 1022 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ZAMINTEKS IPLIK" (ИНН 301278744) МЧЖ ҚКнинг ташкилий ҳуқуқий шакли "ZAMINTEKS IPLIK" МЧЖга ўзгаришини ҳамда "ZAMINTEKS IPLIK" МЧЖ "ZAMINTEKS IPLIK" МЧЖ ҚКнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий ворисига айланишини маълум қилади. Корхонанинг кредиторлик ва дебюторлик қарзлари мавжуд эмаслигини билдиради.

Эътирозлар Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-4, 35-уй манзили бўйича қабул қилинади.

**ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА**




**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 7027-сонли ижро ҳужжатига асосан Чирчиқ шаҳри, В. Қодиров кўчаси, 235-уй. Бошланғич баҳоси – 62 928 202 сўм. 2. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 03.11.2011 й. ижро ҳужжатига асосан Юқори Чирчиқ тумани, Султонровод даҳаси, Паркент кўчасида жойлашган Чойхона биноси. Бошланғич баҳоси – 85 349 380 сўм. 3. Юнусобод тумани СИБ томонидан 26.12.2012 й. № 1-347/2012 – сонли ижро ҳужжатига асосан Юнусобод тумани, "Регистон" 6-тор кўчаси, 20-уй. Бошланғич баҳоси – 1 166 716 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 19 сентябр куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 4. Қибрай тумани СИБ томонидан № 12277/8-сонли ижро ҳужжатига асосан Қибрай тумани, Янгиобод қ.ф.й., Рестовратор БУШ ҳудудидаги 22 дала ҳовлиси. Бошланғич баҳоси – 280 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 4 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 24.08.2012 йилда гувоҳнома рақами № 10-09978 билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор "Игамбердыев Пулат Маратович"га тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан 21.11.2008 йилда гувоҳнома рақами № 004347 билан рўйхатга олинган "PET-TEXSERVIS" МЧЖга тегишли бўлган бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 2012 йил 29 майда № 007318 рақамли, реестр рақами 05-000605 бўлган "DELTA-TRANZIT" (ИНН 201850868, ОКОНХ 14933) МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "PRESS JAHON" (ИНН 302205003), зарегистрированное ИРСП хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: пр. Бунедкор, 44, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя от 03.09.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: (+99893) 659-47-81.

Семейное предприятие "EXOTIC ASIA BEAUTY" (ИНН 302340880), зарегистрированное ИРСП Сергелийского района (Сергелийский район, ул. Согдиана-1) г. Ташкента за реестр. № 003512-06 от 05.07.2012г., расположенный по адресу: 8-проезд Чоштепа, дом-1, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания учредителей от 19.07.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по почтовому адресу.

"FERUZA" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мирobod тумани ТСРЎИ томонидан 2013 йил 24 июлда № 006529-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган "QURBON FAYZ" (ИНН 302669494) оилавий корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб (+99893) 588-88-41 рақами телефон орқали қабул қилинади.

Утерянный аттестат АО № 023288, выданный в 1995г. школой № 33 Юкори Чирчикского района Ташкентской области на имя Ким Ольги Валерьевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянную шаходатному (о 9-классном образовании) № 082614, выданный в 1993 году школой № 17 Пискентского района Ташкентской области на имя Дўсбековой Муяссар, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Китоб жавонингизга

# БИЛЛУРДЕК ТИНИҚ ТУЙҒУЛАР




**Олим, таниқли журналист, ҳаёт билан ҳамнафас шоир ва ёзувчи Неъмат Ёқубовнинг сермаҳсул, серқирра ижоди кўнгилларга чироқ ёқиб, кишини фақат меҳру оқибат ва садоқат боғларига етаклайди.**

**Адибнинг юзлаб очерк ва публицистик мақолалари, "Хаёлимдаги қиз", "Сохта севги", "Кўзларингни яширма мендан", "Сўқмоқдаги из", "Роҳат операцияси", "Муҳаббат бўйсунмас", "Тақдир тўфонида" каби ҳикоя ва қиссалар тўпламларию "Ҳубоб", "Хазина султони", "Жон", "Бугунги кунлар", "Умр", "Вужудий қудрат" каби романлари мақсадли, умидли, ҳаётий фикрларга бой.**

Шоирнинг саккиз бобдан иборат "Муҳаббат – етти бахт" номли янги шеърлар тўплами умр боғини гуллатувчи севги баҳори ва қалб қуёши – муҳаббат ҳақида. Бир эмас, саккизта китоб ёзиш ишқли дил соҳиблари, ҳаёт гўзаллигини меҳру муҳаббат, завқу шавқ ила ҳис эта билувчи, ҳаёт билан ҳамнафас ижодкорларнинггина қўлидан келади. Муҳаббатли қалб соҳибларигина дилларни, ҳатто дунёни равшанлантирувчи, мукаммал, чуқур мазмунли ва таъсирчан сатрларнинг уддасидан чиқа билади. Муҳаббатсиз, ишқсиз қалб эса, ҳувиллаган, кимсасиз гўшани эслатади, холос. Китобдаги 455 ғазал ва шеърларнинг ҳар бир сўз ва мисраларида аёлларга бўлган чуқур меҳр ва самимият, таъзим ва эҳтиром, муҳаббат йўлидаги поклик, вафо ва садоқат руҳи жилваланиб, шоирона нозик ҳис барқ уриб туради:

*Дилбарим ноз-фироғинг*
*ҳар даводан яхшироқ,*
*Ширин сўзинг сайроқ*
*булбул наводан яхшироқ.*

*Бўйларингдан ўргилиб,*
*ёнингда юрмоқ менга бахт,*
*Билсам жабру жафоинг*
*меҳру вафодан яхшироқ.*

Бу шеърий тўплам шу каби ёрқин, таъсирчан мисралар, эстетик кучга эга, ўзининг севимли қаҳрамонлари каби жозибадор, нозик ва нафис ҳис-туйғулар барқ уриб турадиган лирик сатрларга жуда бой. Улардаги ўткир мантиқ ва тиниқ фикрлар инсон қалбини нурлаб, унга ҳузур бахш этади:

*Боболар руҳи шод,*
*Туғилди янги авлод.*
*Ёрқин, гўзал истиқбол*
*Мангу яша Истиқлол.*

*Мен Истиқлол қизиман,*
*Ҳумоқушнинг ўзиман*
*Озодлик Қуёшиман,*
*Тинчликнинг*
*йўлдошиман.*

Саодатни куйлаб, юрт иқболини ўйлаб, бунёдкорликни касб-кор, Ватанни номус-орим, гўзал боғ-роғ ва олтин тоғларни ўзимизники деб фахрланувчи истиқлол қизининг бундай дил сўзларидан олдинга интилиш, ҳаётга меҳр-муҳаббат янада ортиб боради. Шоирнинг ҳар бир сўзи ранг-баранг гулзорга ўхшайди. Улар ҳар томонлама яшнайдиган, беҳисоб лаззат берувчи баҳор кабидир.

Яхшилар фидойиси, ҳаёт ва муҳаббат ошиғи Неъмат Ёқубовнинг шеър ва ғазаллари содда, мазмундор. Ақл таскин топадиган, чуқур мазмунли, дилларни ҳаяжонга соладиган фикрларга бой. Энг муҳими, инсонни малоҳатли қиладиган, вафодорлик каби биллурдек тиниқ муҳаббат мавзуси моҳирона талқин этилиб, ўқувчини шеърият бўстонига, ошиқлик оламига чорлайди:

*...Юракда жўш урмаса*
*оташ муҳаббат,*
*Дилда қувонч,*
*оҳанраболик қайда.*

*Жасорат кўрсатмаса,*
*бўлмаса бардош,*
*Ошиқ аҳлига содиқ*
*подшолик қайда.*

*Ёр кўрсатмаса*
*иззат-икром, илтифот,*
*Иффат, шарм-ҳаё,*
*одоб-иболик қайда.*

*Бўлса мунис, мулойим,*
*ёнингда доим,*
*Камтарлик қайдаю,*
*кибру ҳаволик қайда...*

"Муҳаббат – етти бахт" китобини ўқиган кишининг руҳи яшнайди, вужуди яйрайди. Зеро, унда гўзаллар, барнолар, зеболар сиймоси мадҳ қилинган, уларнинг вафо, садоқат, меҳр-мурувват, одоб-ахлоқи тараннум этилган. Ишончимиз комилки, ҳаёт ва ёшликни гуллатувчи муҳаббат ҳақидаги мазкур шеърлар тўплами мухлислар қалбини ром этади, уларни гўзалликка чорлайди.

**Эркин ҒУЛОМОВ,**
**республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.**




## ЭСЭСЧИ УСТИДАН СЎНГГИ СУД

**Германиянинг Хаген шаҳрида "Ваффен-СС"нинг собиқ аъзоси, 92 ёшли Сирт Брейнс устидан суд бошлангани ҳақида хабар тарқатди Associated Press агентлиги.**

Брейнс Нидерландия қаршилик ҳаракати аъзоси Алдерт Клаас Дейкимани ўлдирганликда айбланмоқда. Тергов маълумотларига қараганда, Брейнс 1944 йили хизматдоши билан бирга асирдаги собиқ махфий ходимни ташландиқ фабрика ҳудудига олиб кириб, отиб ўлдиришган. Аввалига эсэсчи ушбу жараёнда қатнашганини тан олди. Бироқ, BBC Newsнинг ёзишича, қаршилик ҳаракати фаолини Брейнс эмас, унинг шериги отиб ўлдирган.

Уруш тугаганидан сўнг Брейнсни Нидерландияда ҳарбий жиноятлари учун отишга ҳукм қилишди. Аммо, у Германияга қочиб ўтишга улгурди. Дарвоқе, у немис фуқаролигини қабул қилиб, шу кунгача ушбу давлатда яшамоқда. Маълум қилинишича, Германия Федератив Республикаси Брейнсни экстрадиция қилишни рад этди. Брейнс устидан бошланган суд жараёни нацист ҳарбий жиноятчилар устидан сўнгги суд бўлиб қолиши таъкидланмоқда.



## АМЕРИКА БАЗАСИГА ҲУЖУМ

**"Толибон" жангарилари Американинг Афғонистондаги Покистон билан чегарадош Нангаҳар вилоятидаги ҳарбий базасига ҳужум қилдилар.**



Хабарларда келтирилишича, чет эл фуқароларидан ҳеч ким жабр кўрмади. Маҳаллий аҳоли ўртасида қурбонлар ҳақида маълумот тарқатилмади. Жангарилар эса 10 нафар аскар, шунингдек, 10 та ҳарбий машина йўқ қилинганини таъкидлашди.

Кейинги вақтларда "толибон" НАТОнинг ҳарбий базаларига ҳужум қилишни кўпайтирди. Жумладан, жангарилар сўнгги марта 28 август куни Польшанинг ҳарбий базасига ҳужум қилган эдилар.

НАТО қўшинлари Афғонистонни 2014 йилнинг охирларига бориб тарк этиши керак. Бироқ, шундан сўнг ҳам тахминан 12 минг кишига яқин америкаликларнинг Афғонистонда қолиши мўлжалланмоқда.

## МЕРКЕЛЬ ТЕЛЕБАҲСГА НООДАТИЙ КИЙИМДА КЕЛДИ

**Германия канцлери Ангела Меркель навбатдаги телебаҳсга ғайриодатий – мамлакат байроғини эслатувчи қора, қизил ва тилларанг кийимда ташриф буюрди.**

Меркелнинг костюмидаги ранглар мамлакат байроғидагидек тартибда эмаслиги телетомошабинларнинг эътиборларидан четда қолмади. Натижада интернетда турли-туман фикрлар баён этила бошлади. Бироқ, амалдаги канцлер Меркель билан унинг бўлажак сайловлардаги асосий рақиби Пер Штайнбрюк ўртасидаги 1,5 соатлик сайловолди баҳс-мунозара аниқ ғолибни аниқлаб бермади. Таъкидланишича, мунозаралар ишчанлик, томонларнинг бир-бирларига ўзаро ҳурмат руҳида кечди. Асосий эътибор ички сиёсий муаммо – солиқларни ошириш, тиббий суғурта, энг кам иш ҳақи, пенсия таъминоти каби муаммоларга қаратилди.



Мамлакат Бундестагига сайловлар 22 сентябрда бўлиб ўтади. Унинг якунларига мувофиқ, янги ҳукумат тузилади ва канцлер сайланади.

## БИР ЖОЙДА ИККИ АВТОҲАЛОКАТ

**Амстердам шаҳрида ташкил этилган ралли мусобақаларида автомобиллардан бири томошабинлар тўдасига келиб урилди. Бир киши ҳалок бўлди, уч киши жароҳат олди.**



Жароҳатланганлардан бири 11 ёшли бола бўлиб, у жуда оғир аҳволда шифохонага келтирилди. ИТАР-ТАССнинг полиция маълумотига таяниб ёзишича, автоҳалокатга учраганлар бир оила аъзолари бўлиб, ота воқеа жойида ҳалок бўлган, унинг ўғиллари жароҳатланган.

Айни пайтда тергов ишлари олиб борилмоқда. Маълум қилинишича, 2010 йилда ҳам айнан ралли мусобақалари жараёнида худди шу ерда автоҳалокат юз берган. Ўшанда томошабин аёллардан бири оёғидан жиддий жароҳат олган эди.

## МАНДЕЛАНИНГ УМРИ УЗОҚ БЎЛАРКАН

**АҚШнинг собиқ президенти катта Жорж Бушнинг офиси ўтган якшанба куни Жанубий Африка Республикаси собиқ етакчиси Нельсон Мандела вафот этгани ҳақида хабар берди.**

Катта Буш Манделанинг оиласига ҳамда ЖАР аҳолисига ўзи ва рафиқаси номидан ҳамдардлик изҳор этди. "Барбара ва мен буюк озодлик ҳимоячиларидан бири ҳаётдан кўз юмганидан қаттиқ қайғуга тушдик", дея юқоридаги таъзияномадан маълумот келтирди РИА-"Новости".

Мандела буйрак инфекцияси хуружи сабабли июнь ойининг бошида шифохонага ётқизилганди. Врачлар унинг қонини тозалаш билан шуғулланишди. Ўша, унга таъзия билдирилган – якшанба куни эса Мандела шифохонадан чиқиб, Йоханнесбургдаги ўз уйига келди. У ҳамон врачлар назоратида, чунки, соғлиғи доимо бирдек эмас.

Ушбу воқеалардан кейинроқ Бушнинг вакили Жим



Макгрант баёнот бериб, ўз микроблокида юқоридаги таъзия "хунук хатолик" эканини маълум қилди ва узр сўради.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Бу – қизиқ

### АЧЧИҚНИ АЧЧИҚ КЕСАДИМИ?

Таваккалчиликка иштиёқи баландлар аччиқ овқатларни хуш кўришар экан. Мутахассислар кўнгиллилар иштирокида тажриба-тест ўтказишганда, хавф-хатарга тўла саргузаштларни ёқтирувчилар аччиқ зираворлар ва гармдори қўшилган таомларни бажонидил, иштаҳа билан тановул қилишди. Кузатувлар шуни кўрсатдики, ҳар гал шундай "мазали" овқатланишдан сўнг уларнинг кайфиятлари кескин кўтарилиб, янги ғояларни амалга оширишга журъатлари янада кучайди.

### СУВ, СОВУН ВА БЎЙ ЎСИШИ...

Булар орасида қандай боғлиқлик бор экан демоқчимисиз?

Бир гуруҳ британиялик олимлар, тоза сувда совун билан мунтазам чўмилиш – болалар бўйи тез ўсишига асосий омилдир, деган хулосага келдилар.

– Гигиеник воситалар ва қайнатилган сув болалар танасини зарарли микроб ва паразитлар таъсиридан асраб, ҳимоя қилади, – дейишди мутахассислар.

Узоқ чўмилмаслик ёки ифлосланган сувдан фойдаланиш тананинг ташқи таъсирларга қарши курашиш қобилиятини сусайтиради. Натижада, ёш болаларнинг нозик териси турли зарарли касалликларни юқтиради, бу эса бўй ўсишига тўсқинлик қилади.

### ОЛМАДАН ОЛИНГ

Олма – энг кўп тарқалган мева. Статистик маълумотларга кўра, ер юзида ҳар иккинчи мевали дарахт олма экан. Дунё бўйича олмали боғлар майдони деярли 5 миллион гектарни ташкил этади.

Олма энг фойдали мева деб тан олинганига анча бўлган. Баъзи бир давлатларда айни пишиқчилик даврида олма куни байрами ҳам нишонланади. Ҳали XIX асрдаёқ мутахассислар олма соғлиқни мустаҳкамлаб, умрни узайтиришини таъкидлашган.

Бугунги кунда эса Нью-Йорк шифокорлари аждодлари фикрини тасдиқлаш билан бирга, олмани дорилар рўйхатининг бошига киритмоқдалар. Сабаби кўп йиллик тажрибалар, олма инсонни турли касалликлардан сақлаб, узоқ умр кўришига ва ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоси – озишга ёрдам беришини исботлади.

– Олма фойдали микроэлементларга бойлиги бўйича биринчи ўринда турмасада, улар таркибида жуда керакли миқдор ва меъёрда жойлашганлиги сабабли тез ва охиригача ҳазм бўлиб, танага осон сўрилади, – дейди мутахассис И. Сокольский. – Янги узилгани энг фойдалиси. Лекин маълум қоидаларга риоя қилиб сақланса, ундаги дармондорилар анча вақт йўқолмайди.

Яқинда мутахассислар олма шарбати хотирани мустаҳкамлаши ҳақида яна эслатдилар. Тадқиқотлар олма шарбатини мунтазам ичиб юриш мияда биологик-кимёвий моддалар алмашувини тезлаштириб, эслаш қобилиятини ошириб, ўқиш ва изланишга бўлган иштиёқни кучайтиришини кўрсатди.

Демак соғлом бўлай десангиз, кунига 2-3 та олма ейишни канда қилманг.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.**

**ЭЪЛОНЛАР**

Яккасарой туман ТСРЎИ томонидан 2013 йил 24 апрелда № 004403-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ZIYO KAPITAL QURILISH" МЧЖнинг уставига қўшимча ва ўзгартириш киритилганлигини тасдиқловчи хужжатларнинг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"TULPOR-BIZNES" МЧЖнинг устав жамғармаси 135 000 000 сўмдан 5 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри Янгийўл туманига, Оҳангарон шаҳри Оҳангарон туманига, Тошкент тумани Зангиота туманига қўшилганлиги муносабати билан Янгийўл щаҳар, Оҳангарон шаҳар ва Тошкент тумани ҳотин-қизлар қўмиталари **ТУГАТИЛАДИ.**

"SHOKIR TINCHLIK SAVDO" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянную гувохному № 301, выданную Министерством Юстиции Республики Узбекистан 18 апреля 1998 года на Федерацию стрелкового спорта Узбекистана **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 23.01.2012 йилда гувоҳнома рақами № 10-09352 билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор "Игамбердыева Мунира Ибрагимовна"га тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## НОНДЕК АЗИЗ БЎЛИНГ



Тўй-ҳашам бўладими, уйимизга меҳмон келадими, дастурхонга аввало нон қўямиз. Икки ёшнинг бахт йўли нон ушатиш билан бошланади. Янги туғилган чақалоқнинг ёстиғи тагига кулча нон қўямиз, йўлга кириб, илк қадамини ташлаганида яна нон юмалатамиз. Оиламиздан кимдир узоқ сафарга отланса, нон тишлатиб қоламиз, ҳамроҳ бўлсин, дея нон тутқазамиз.

Дарҳақиқат, нон – энг азиз неъматимиз. Нонни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, унинг ушоғини ҳам увол қилмаслик миллатимизга хос фазилат. Зеро, ҳар бир ўзбек хонадонининг файз-баракаси шунга боғлиқ.

Балки, шу эътиқодимиз сабабли ғалла хирмонларимиз йилдан-йилга юксалиб бораётгандир. Илоҳим, доимо донимиз – нонимиз сероб бўлаверсин!

Суратдаги отахон ҳам ҳозиргина тандирдан янги узилган иссиққина, бўрсилдоқ нонни кўрсатиб:

– Қани олинг, нондек азиз бўлинг, – демоқдалар.

## АЙТИШЛАРИЧА...

Инглиз файласуфи Бертран Расселнинг дўстлари даврасида бир куни "Қандай одамни жентльмен деб ҳисоблаш мумкин?" деган мавзуда баҳс кетди. Турли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Узоқ мунозаралардан кейин эса дўстлари саволга жавобни файласуфнинг ўзидан сўрашди.

– Жентльмен шундай инсонки, – деди Рассель, – у билан суҳбатлашган одам ҳам беихтиёр жентльменга айланади.

• • •

Машҳур рус мусаввири Карл Брюлловни петербурглик бир бадавлат одамнинг хотини суратимни чизиб беринг, деб сўрайвериб, ҳол-жонига қўймади. Безор бўлиб кетган рассом охири рози бўлди. Бироқ сурат битгач, хоним ўз тасвиридан қониқмай, атоқли устага таъна қила кетди:

– Суратим ёмон чиқибди, менга ёқмаяпти... Нима бало, бўёқларнинг яхшироғини сотиб ололмадингизми?

– Сурат эгасига ўхшаши керак, албатта, – деди Брюллов бамайлихотир. – Мен бу бўёқларни сиз пардоз-андоз воситаларини харид қиладиган дўкондан сотиб олганман.

• • •

Кибернетиканинг отаси деб аталган Норберт Винер ўта паришонхотир одам эди. Бир куни у университет ёнида талабаларидан бирини кўриб қолди ва икковлари математика масалаларини муҳокама қилишга берилиб кетишди.

Бир маҳал Винер суҳбатдошига айбдорларча назар билан қаради ва сўради:

– Кечирасиз, мен қайси томондан келаётган эдим?

Талаба унинг уйи томонни кўрсатди.

– Э-ҳа, ҳали овқатланмаган эканман-да! – деди профессор хўрсиниб ва ошхона томон йўл олди.

• • •

1925 йили ўтказилган халқаро шахмат турнири пайтида Москвада Хосе Раул Капабланка автомобиль магнати катта Форднинг қизига уйланмоқчи эмиш, деган миш-миш тарқалди. Шунда журналистлар маэстронинг ўзидан сўрашганида, у кулибгина қўйди:

– Мен-ку миллиардерга куёв бўлишга тайёрман-а, аммо Форднинг ўзи панд берди – биронта ҳам қизи йўқ-да...

**Марям АҲМЕДОВА тайёрлади.**

Жиноятга жазо муқаррар

# ФИСҚУ ФАСОД ЎЛЖАЛАРИ

**Наҳотки, инсон имонга келиши, эътиқодини белгилаб олиши учун бировнинг турткиси ёки даккиси керак бўлса? Наҳотки, атрофдагиларни тўғри йўлга солишга жиҳод қилиш, бошқа диндагилар билан ёқа бўғишиш шарт бўлса?**

**Албатта, йўқ. Ҳар ким ўз эътиқоди масаласини ўзи белгилайди. Қайси динда бўлишни ўзи танлайди. Бунга бошқа динлар қатори бизнинг муқаддас динимиз ҳам монелик қилмайди**

**Хўш, унда жиҳод тушунчаси исломда қандай пайдо бўлган?**

Аслида ислом пайдо бўлган кезларда унга эътиқод қилувчилар тобора ортиб боргани сари, сафи торайиб кетаётган бошқа дин вакиллари исломга қаршилик қила бошлаганлар. Ҳатто, мусулмонларни хўрлаш, уларга азоб бериш ҳоллари ҳам учраган. Шунда динни ва ўзларини ҳимоя қилиш учун одамлар жиҳод, яъни уруш қилишган. Ўз юртларида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқларга чидолмай, бошқа жойларга кўчиб кетишган. Буни улар ҳижрат деб аташган. Ҳозир ҳижрат, жиҳод дея айюҳаннос солаётганларнинг даъволарини тарозининг палласига қўйиб кўрингчи, қанчалик тош босаркин?!

Қуйидаги фикрни такрор ва такрор қайтаришдан чарчамаймиз. Бугун жонажон юртимизда эътиқод эркинлиги қонунан таъминланган. Ҳатто, Бош қомусимиз – Конституцияга бу борада махсус модда киритилган. Ҳар бир дин вакили ўз эътиқодига кўра, барча амалларни эмин-эркин бажаришига, диний байрамларни нишонлашига шарт-шароит яратилган. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари расман дам олиш кунлари деб белгиланган. Ҳаж сафари масъулиятини ҳам давлат ўз зиммасига олган. Ибодат учун масжидлар, дин арконларини ўрганувчилар учун эса Ислом университети ҳамда мадрасаларнинг эшиклари ҳамиша очиқ. Оддий ўқувчи учун диний мавзулардаги адабиётлар етарлича чиқариб қўйилган.

Хўш, яна қайси саволга жавоб бериш керак? Ўйлашимизча, ҳижрат, жиҳодга сабаб бўладиган бирор асос юртимизда топилмайди. Ўзбекистонда яратилган бундай имкониятларни суиистеъмол қилмоқчи бўлган, ислом баҳона ҳукумат илинжида юрганларни эса одамлар ҳам, давлат ҳам, қонун ҳам кечирмайди.

Минг афсуски, хорижда ин қуриб, Ўзбекистонга кўз олайтираётганлар динни қалқон қилиб, ҳокимиятни эгаллашга уринишмоқда. Бунинг учун ҳеч қандай хунрезликлардан тойишмаяпти. Энг ачинарлиси, бизни ўз ичимиздан кемиришга уринаяпти улар. Турли таъсир воситалари билан айрим ғўр, оқ билан қорани ҳали ажратиб улгурмаган ёшларнинг онгини заҳарлаб, ҳукуматга қарши қўймоқда.

Афсуски, ғаламисларнинг бундай разил мақсадларидан бехабар, танлаган йўлларининг охири берклигини кўрмаётган кимсалар уларнинг тузоғига илиниб қолишмоқда. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судида жиноятни кўрилган судланувчиларни ҳам шулар сафига қўшиш мумкин.

Собир, Наби, Акмал, Ғани Садиржоновлар, Сакен Унгарбоев, Али Мадаминов, Абдураҳмон Назаров, Ботир Болибоев, Нодиржон Тешабоев, Абдулазиз Мирзабобоев, Камолиддин Тўрабоев каби янгийўллик бир гуруҳ ёшлар динни ўрганиш баҳонасида йиғилиб, жиҳод, ҳижрат каби экстремистик, сепаратистик ғоялар илгари сурилган маърузаларни тинглаб, улар таъсирига берилишган, ислом давлати тузиш ғояси тарғиб қилинадиган бундай йиғинларга мунтазам қатнашиб келишган. Хусусан, ҳозир жазо муддатини ўтаётган Ҳабибулла Эркабоевдан "тажвид", "фиқҳ" илмидан дарс олиш баҳонасида юқоридаги мавзуларда суҳбатлар уюштиришган.

Наҳотки, шу ёшлар ислом дини илмини ўрганамиз, деб масжид ёки мадрасага борганларида уларнинг кўксидан бирор кимса итарган бўлса? Агар шу ният билан қонуний ҳаракат бошласалар ким монелик қилиши мумкин? Ахир юқорида айтганимиздек, бунинг учун юртимизда барча имкониятлар муҳайё-ку!

Уларнинг ислом давлати қурамиз деган даъволарини қандай тушуниш мумкин? Ахир Ўзбекистон кўп миллатли ва кўп динли мамлакат. Улар бу ҳаракатлари билан динлар ва миллатлар ўртасида турли низо ҳамда келишмовчиликларга сабаб бўлишларини ҳеч ўйлаб кўришганмикин?

Давлатимиз барча дин ва миллат манфаатларини бирдек ҳимоя қилади. Уларнинг бирини иккинчисидан устун қўймайди. Шунинг учун ҳам бугун Ўзбекистонда тинчлик, фаровонлик ҳукм сураяпти. Одамлар тунлари осуда ҳордиқ чиқариб, тонгда хотиржам уйғонаяптилар.

Шундай хуррам ҳаётни ким ҳам бошқасига алмашгиси келади? Албатта, ҳеч ким!

Бунинг учун эса ҳар биримиз яна ва яна ҳушёр туриб, атрофимизда кезиб юрган фисқу фасодлардан огоҳ бўлишимиз шарт.

**Аслиддин АЛИМОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7962. Адади 7067. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00.